Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 1261,0 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 4,1 %), ишлаб чиқариш саноатида 6501,7 млрд. сўм (21,1 %), шу жумладан озиқ–овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 1019,0 млрд. сўм (3,3 %), текстил маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш фаолияти турида 720,6 млрд. сўм (2,3 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 113,9 млрд. сўм (0,4 %), бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 245,7 млрд. сўм (3,7 %), резина пластмасса буюмалар ишлаб чиқариш саноатида 451,4 млрд. сўм (1,4 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 137,4 млрд. сўм, (0,4 %), қурилиш фаолияти турида 4451,5 млрд. сўм (14,4 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 3743,4 млрд. сўм (12,1 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 1548,0 млрд. сўм (5,0 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 1355,3 млрд. сўм (4,4 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 765,2 млрд. сўм (2,5 %), таълим соҳасида 699,4 млрд. сўм (2,3 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 7078,8 млрд. сўм (23,0 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби, фоизда

(январь-сентябрь)



Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2019 йилнинг январь-сентябрида 10490,8 млрд. сўм ёки 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 363,8 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 16,1 % ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Шайхонтоҳур туманида 26,8 %, Чилонзор туманида 22,3 %, Яккасарой туманида 13,8 % қузатилди.

Тошкент шаҳрида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар
(январь-сентябрь)

(млрд. сўм)

	<i>Жами инвестиция ва кредитлар</i>	<i>шу жумладан:</i>		<i>Тўғридан- тўғри ва бошқа инвести- ция ва кредитлар</i>	<i>шу жумладан:</i>	
		<i>инвести- ция</i>	<i>кредит</i>		<i>инвести- ция</i>	<i>кредит</i>

Тошкент ш.	10490,8	7710,7	2780,1	9058,6	7710,7	1347,9
-------------------	----------------	---------------	---------------	---------------	---------------	---------------

туманлар:

Бектемир	202,7	102,1	100,7	202,7	102,1	100,7
Мирзо Улуғбек	419,8	385,4	34,4	395,9	385,4	10,5
Миробод	918,3	897,5	20,9	918,3	897,5	20,9
Олмазор	654,3	635,4	18,9	654,3	635,4	18,9
Сергели	227,4	211,7	15,6	227,4	211,7	15,6
Учтепа	243,5	223,3	20,1	243,4	223,3	20,1
Чилонзор	2338,9	1539,8	799,1	2180,4	1539,8	640,6
Шайхонтохур	2811,1	1596,5	1214,6	2058,7	1596,5	462,2
Юнусобод	785,8	292,1	493,7	327,1	292,1	35,0
Яккасарой	1452,7	1444,7	8,0	1452,3	1444,7	7,5
Яшнобод	436,3	382,2	54,1	398,1	382,2	15,9


Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш

(млн. АҚШ долл.)



Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2019 йилнинг январь-сентябрида 10490,8 млрд. сўми ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 398,8 % ни ташкил қилди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, фоизда



Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар энг кўп ўзлаштирилди: Қурилиш соҳаси 14,4 % ни ташкил этиб (10,9 % пунктга) кўпайди.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар: ишлаб чиқариш саноати жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 21,1 % ни ташкил этиб (1,9 % пунктга), Уй жой қурилиш 13,7 % (3,8 % пунктга) камайди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 572,7 минг кв.м, бўлган 2422 та турар жой объекти янги қурилиб ишга туширилган.

Ишга туширилган турар жойларнинг ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи Юнусобод туманида ишга туширилган 108,0 минг кв.м ва у шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 18,9 % ни ташкил этди. Кейинги ўринларда Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур туманлари эгаллаган бўлиб, шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 13,4 % ва 12,8 % ни ташкил этишган.

Қурилиш ишлари

Жорий йилнинг январь-сентябрида 11294,5 млрд. сўм ёки 2018 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 132,0 % қурилиш ишлари бажарилди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг ўсиш суръати, фоизда


(январь-сентябрь)





Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Чилонзор туманида 136,9 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 22,7 % пунктга кўпайди, мос равишда, Сергели, Юнусобод туманида 134,4 % дан бўлиб (26,5 % пунктга), Миробод, Мирзо Улуғбек туманларида 132,7 % дан бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19,8 % пунктга, 20,7 % пунктга ўсди. Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 10 674,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,5 фоизни (2018 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 129,5 фоизни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг
ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**
(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

2018 йил январь-сентябрь



2019 йил январь-сентябрь



Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари
(млрд. сўм)




Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 62,4 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 18,1 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 19,5 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2019 йилнинг январь-сентябрида 14485 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 мартага кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (жамига нисбатан- 43,0 %), саноат тармоғида (16,0 %), қурилиш тармоғида (9,4 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида (6,5 %), ташиш ва сақлашда (3,3 %) ташкил этилган.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган
кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий
фаолият турлари бўйича улуши, фоизда**



2019 йилнинг январь–сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 26 174,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг индекси 66,9 %) ни ташкил қилади.

– 14871,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 48,2 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 148,1 % ташкил қилди;

– 8420,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 74,6 %) ва 2018 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 126,2 % ни ташкил қилди;

– 21427,1 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмининг 46,5 %) 2019 йилнинг январь–сентябрига нисбатан ўсиш суръати 107,1 % ни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 72,4 % ёки 19 866,5 млрд. сўми (ўсиш суръати 100,4 % ташкил қилди) шакллантирилди;

– 453,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 20,0 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2018 йилга нисбатан 12,9 млн. АҚШ долларига ёки 2,8 % га кам;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 102,8 % га (жами автомобил транспорти юк айланмасининг 68,3 %) кўпайиши таъминланди;


– йўловчи айланмаси эса 103,2 % га (умумий йўловчи айланмасининг 79,0 %) кўпайиши таъминланди;

Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши

(умумий ҳажмига нисбатан млрд.сўмда)

Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Яшнобод тумани (3350,5 млрд. сўм), Олмазор тумани (3202,2 млрд. сўм), Сергели тумани (2958,5 млрд. сўм) ва Бектемир тумани (2828,0 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади. Юнусобод туманида (2677,7 млрд. сўм), Чилонзор туманида (2116,4 млрд. сўм), Учтепа туманида (1900,1 млрд. сўм) ва Яккасарой туманида (1820,3 млрд. сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-сентябрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати




2019 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Юнусобод тумани (2734,8 млрд. сўм), Чилонзор (2547,2 млрд. сўм), Шайхонтоҳур (2389,6 млрд. сўм), Учтепа (2382,9 млрд. сўм) ва Бектемир (2121,9 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.


2019 йил январь-сентябрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қурилиш соҳаси улуши



Худудлар бўйича энг кўпроқ қурилиш соҳаси улуши ҳажми Яккасарой тумани (1032,6 млрд. сўм Мирзо Улуғбек тумани (1019,8 млрд. сўм), Миробод тумани (1014,4 млрд. сўм) ва Олмазор тумани (856,4 млрд. сўм) Юнусобод туманида (855,3 млрд. сўм), Яшнобод туманида (796,7 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади.

Сергели туманида (783,6 млрд. сўм), Шайхонтохур туманида (774,6 млрд. сўм), Чилонзор туманида (670,5 млрд. сўм), Учтепа туманида (449,3 млрд. сўм) ва Бектемир туманида (167,3 млрд. сўм) ушбу қурилиш соҳаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.


2019 йил январь-сентябрда худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да инвестиция соҳаси улуши



Худудлар бўйича энг кўпроқ инвестиция соҳаси улуши ҳажми Шайхонтохур тумани (2581,3 млрд. сўм), Яккасарой тумани (2117,4 млрд. сўм), Юнусобод тумани (1746,0 млрд. сўм) Яшнобод тумани (1472,1) ва Олмазор тумани (1468,9 млрд. сўм) Миробод туманида (1329,3 млрд. сўм), Мирзо Улуғбек туманида (1240,7 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади.

Сергели туманида (852,7 млрд. сўм) Чилонзор туманида (845,5 млрд. сўм) Учтепа туманида (651,7 млрд. сўм) ва Бектемир туманида (565,8 млрд. сўм) ушбу инвестиция соҳаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йил январь-сентябрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да
хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Мирзо Улуғбек туманида (2525,5 млрд. сўм), Юнусобод туманида (2480,5 млрд. сўм), Шайхонтоҳур туманида (2446,3 млрд. сўм), Чилонзор (2399,7 млрд. сўм) ва Миробод (2114,6 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил январь-сентябрда кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар ва асосий тармоқлар бўйича улуши, фоизда

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Чакана савдо</i>
Тошкент шаҳри	66,9	74,6	46,5	72,4
<i>туманлар:</i>				
Бектемир	68,9	45,0	93,2	96,0
Мирзо Улуғбек	43,9	70,8	52,3	74,3
Миробод	27,5	58,1	30,2	72,7
Олмазор	89,5	94,4	68,0	61,2
Сергели	77,9	97,3	45,3	70,7
Учтепа	85,9	99,1	81,7	90,0
Чилонзор	86,3	70,6	51,0	54,4
Шайхонтоҳур	54,9	63,9	47,8	73,9
Юнусобод	86,7	61,0	31,0	86,4
Яккасарой	86,0	94,9	70,7	48,8
Яшнобод	74,1	86,8	33,8	73,3

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Олмазор туманида (89,5 %), Юнусобод туманида (86,7 %), Чилонзор туманида (86,3 %), ташкил этади.

Қурилишда Учтепа (99,1 %), Сергели (97,3 %), Яккасарой (94,9 %), туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Бектемир (93,2 %), Учтепа (81,7 %) ва Олмазор (68,0 %) туманлари ташкил этади.

Чакана савдо айланмасида Бектемир (96,0 %), Учтепа (90,0 %) ва Юнусобод (86,4 %) туманлари ташкил этади.


2019 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг ЯХМ даги улуши 62,8 % ни ташкил қилди (2018 йилнинг январь-сентябрида 64,7 %), ЯХМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 йил январь-сентябрь ойлари яқунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 1598 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 7,0 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 81,4 % эса қоникарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида 10,5 % ва 79,6 %, хизматлар соҳасида 11,5 % ва 72,3 %, саноатда 4,2 % ва 81,9 % ни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда 13,9 %, қурилишда 11,6 %, хизматларда 15,8 % ва савдода 9,9 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятнинг тармоқлар кесимида баҳолаш
2019 йил январь-сентябрь учун, фоизда**



Иқтисодий вазият яқин уч ойда саноат корхоналари яхшиланиши 23,6 %, ўзгаришсиз 72,2 % ни, ёмонлашиш эса 4,2 % ни, савдо – яхшиланиш 27,0 %, ўзгаришсиз 69,1 %, ёмонлашиш 3,9 %, хизматларда яхшиланиш 31,6 %, ўзгаришсиз 61,9 %, ёмонлашиш 6,5 %, ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 18,6 %, ўзгаришсиз 76,7 %, ёмонлашиш 4,6 % кутилмоқда.

**Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар
истикболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда**



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилатган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ¹⁾

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2019 йилнинг январь-август ойларида иқтисодиёт тармоқларида йирик тижорат корхона ва ташкилотлар томонидан 731,2 млрд. сўм. миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 1527,1 млрд. сўмга кўпайган.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича йирик тижорат ташкилотларининг якуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млрд. сўм	2018 йилнинг январь-сентябрга нисбатан, % да
Жами	731,2	18,3
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	162,7	3462,4
Ишлаб чиқарадиган саноат	1104,3	138,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-327,0	-
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	19,7	61,9
Қурилиш	37,6	84,9
Савдо	421,3	71,6
Ташиш ва сақлаш	-1101,4	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	67,4	294,2
Ахборот ва алоқа	640,6	72,3
Молиявий ва суғурта фаолияти	110,1	196,8
Кўчмас мулк билан операциялар	58,0	140,7
Профессional, илмий ва техник фаолият	209,2	160,7
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	52,2	106,0
Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	-743,5	-
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	38,9	663,5
Таълим	18,1	107,5
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	-37,0	-
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	0,005	2589,0

Иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, йирик ташкилотларда қўрилган фойданинг асосий қисмини ишлаб чиқарадиган саноат йўналишидаги ташкилотлар ташкил этмоқда.

**Тошкент шаҳрида йирик тижорат ташкилотларининг
январь-август ойларида ҳудудлар кесимида
яқуний молиявий натижалари**


	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-августига нисбатан, % да</i>
Тошкент ш.	731,2	18,3
<i>туманлар:</i>		
Бектемир	82,7	111,9
МирзоУлуғбек	-1088,1	-
Миробод	609,2	42,7
Олмазор	84,1	96,6
Сергели	601,5	121,9
Учтепа	33,3	65,7
Чилонзор	299,3	146,1
Шайхонтохур	64,1	99,4
Юнусобод	717,7	100,3
Яккасарой	-800,1	-
Яшнобод	127,5	176,3

Тошкент шаҳрининг йирик тижорат ташкилотлари бўйича – 731,2 млрд. сўм, ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Юнусобод – 717,7 млрд. сўм (98,7 %), Миробод – 609,2 млрд. сўм (жами фойданинг 83,8 %), Сергели – 601,5 млрд. сўм (82,8 %) ва Чилонзор туманига – 299,3 млрд. сўм (40,5 %) тўғри келади.

Зарарлар. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 110 та йирик тижорат корхона ва ташкилотлар 3864,2 млрд. сўм зарар кўрган.

Зарарнинг асосий қисмини "ASIA TRANS GAS" ҚҚ – 1059,9 млрд. сўм (Тошкент шаҳри бўйича жами зарарнинг – 27,4%) "O'ZBEKENERGO" АЖ – 931,2 млрд. сўм (24,1%), "O'ZTRANSGAZ" АЖ – 929,5 млрд. сўм (24,0 %), "TOSHISSIQQUVVATI" УҚ – 232,0 млрд. сўм (6,0 %).

**2019 йилнинг январь-сентябрда зарар кўрган йирик корхона
ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**
(жамига нисбатан фоизда)



**2019 йилнинг январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган йирик
тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар суммаси</i>	
		<i>млн. сўм</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
Жами	110	3864160,5	100,0
Ишлаб чиқарадиган саноат	8	220248,4	5,7
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	1	1076,5	0,03
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5	342086,0	8,8
Қурилиш	8	6838,9	0,2
Савдо	31	201393,9	5,3
Ташиш ва сақлаш	15	2062255,3	53,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	10	17621,6	0,4
Ахборот ва алоқа	7	29006,2	0,7
Молиявий ва суғурта фаолияти	2	1751,9	0,04
Кўчмас мулк билан операциялар	3	3727,2	0,09
Профessional, илмий ва техник фаолият	2	4165,5	0,1
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	3	1108,4	0,03
Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	3	932693,4	24,2
Таълим	3	733,3	0,02
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2	607,2	0,01
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	6	38846,4	1,0
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	1	0,4	0,08

**2019 йилнинг январь-августда иқтисодий фаолият турлари бўйича
зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)



Зарарларнинг асосий қисми ташиш ва сақлаш – 2062,2 млрд. сўм (жами зарарнинг 53,3 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 342,0 млрд. сўм (8,8 %), Ишлаб чиқарадиган саноат – 220,2 млрд. сўм (5,7 %), савдо – 201,3 млрд. сўм (5,3 %) ташкил этади.

**2019 йилнинг январь-сентябрда ҳудудлар кесимида зарар кўрган йирик тижорат
корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши жамига нисбатан, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн. сўм</i>
Тошкент шаҳри	110	100,0	3864160,5
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	4	0,2	6458,5
Мирзо Улугбек	9	32,5	1257312,2
Миробод	19	28,7	1109816,0
Олмазор	6	1,5	58586,9
Сергели	8	0,8	30232,1
Учтепа	3	0,4	14645,0
Чилонзор	14	0,9	34066,1
Шайхонтохур	13	7,4	285710,3
Юнусобод	12	1,2	46133,9
Яккасарой	12	25,3	979178,3
Яшнобод	10	1,1	42021,2

**Тошкент шаҳрида йирик тижорат корхоналарида 2019 йил 1 сентябрь ҳолатига
иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

	<i>Жами, млрд. сўм</i>	<i>ундан:</i>			<i>Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, % да</i>
		<i>харидор ва буюртма- чилар</i>	<i>етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар</i>	<i>ички идора вий</i>	
Жами	968,2	249,9	11,4	685,9	100,0
Ишлаб чиқарадиган саноат	30,7	18,8	-	-	3,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	806,9	121,1	-	685,8	83,4
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	58,1	58,1	-	-	6,0
Қурилиш	0,9	0,9	-	-	0,1
Савдо	21,7	11,8	3,5	-	2,2
Ташиш ва сақлаш	10,9	10,2	0,7	-	1,1
Профessional, илмий ва техник фаолият	18,4	8,5	7,2	-	1,9
Бошқалар	20,6	20,5	-	0,1	2,1

Иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларда ва идораларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолмоқда.

2019 йил 1 сентябрь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 56781,3 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 1748,6 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 3,1 % ни ташкил этди.

**Тошкент шаҳрида йирик тижорат корхоналарида 2019 йил 1 сентябрь ҳолатига
иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор
қарздорликнинг таркиби**

	<i>Жами, млрд. сўм</i>	<i>ундан:</i>				<i>Мудда ти ўтган қарз- дорлик- нинг улуши, % да</i>
		<i>етказиб берувчи лар ва пудрат чиларга</i>	<i>Бюд жетга тўлов- лар</i>	<i>давлат мақсадли фонд- лариға тўловлар</i>	<i>ички идора- вий</i>	
Жами	1748,6	909,6	6,0	1,9	686,1	100,0
Ишлаб чиқарадиган саноат	121,2	14,0	-	-	0,1	6,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1446,9	761,0	-	-	685,8	82,7
Савдо	116,6	114,1	-	-	-	6,7
Профessional, илмий ва техник фаолият	58,0	17,0	6,0	1,9	-	3,3
Бошқалар	5,9	3,5	-	-	0,2	0,4

2019 йил 1 сентябрь ҳолатига иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларда ва идораларда муддати ўтган кредиторлик қарздорлик, муддати ўтган дебиторлик қарздорликдан 1,8 баробарга юқорилигича қолмоқда.

VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 84072 тани ташкил қилиб, шундан 80969 таси ёки 96,3 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 20327 та (24,2 фоизи), саноат 15196 та (18,1 фоизи), қурилиш 6688 та (8,0 фоизи) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 6104 та (7,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади (2019 йил 1 октябр ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	84072	100,0	80969	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	840	1,0	791	0,9
Саноат	15196	18,1	14697	18,2
Қурилиш	6688	8,0	6469	8,0
Савдо	20327	24,2	19653	24,3
Ташиш ва сақлаш	3400	4,0	3298	4,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6104	7,3	5781	7,1
Ахборот ва алоқа	3207	3,8	3070	3,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1537	1,8	1496	1,8
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	26773	31,8	25714	31,8


Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Тошкент шаҳрида иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 24,3 % савдо соҳасида, 18,2 % саноат соҳасида, 8,0 % қурилиш соҳасида, 7,1 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 4,1 % ташиш ва сақлаш, 3,8 % ахборот ва алоқа, 1,8 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 0,9 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ва 31,8 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 96,4 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 14,9 фоизи хусусий корхоналар, 7,1 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 74,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**2019 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар
юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади**
(умумий сонига нисбатан фоизда)



2019 йил январь-сентябрда жами 15022 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 14485 та). Уларнинг асосий қисми Учтепа (Тошкент шаҳри бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 12,9 фоиз), Чилонзор (12,5 фоиз), Олмазор (12,3 фоиз), Юнусобод (11,6 фоиз), Мирзо Улуғбек (10,6 фоиз), Шайхонтохур (9,2 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 41,5 фоизи савдо, 15,5 фоизи саноат ва 9,1 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1874 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 345 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 18,4 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик
шакллари бўйича ҳудудларга тақсимланиши**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) бирликда

	<i>Жами, бирлик</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>	<i>шундан хусусий</i>
Тошкент шаҳар	84072	3021	81051	12508
<i>туманлар:</i>				
Бектемир	1958	65	1893	383
Мирзо Улуғбек	9418	374	9044	1154
Миробод	7152	299	6853	765
Олмазор	8730	306	8424	1791
Сергели	4981	169	4812	784
Учтепа	7645	219	7426	1547
Чилонзор	10793	345	10448	1590
Шайхонтохур	8249	354	7895	1235
Юнусобод	11266	420	10846	1533
Яккасарой	7445	191	7254	815
Яшнобод	6435	279	6156	911

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(бирликда)

	2019 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган	2019 йил январь-сентябрда	
		ташкил топди	тугатилди

Тошкент шаҳар	84072	15022	1874
----------------------	--------------	--------------	-------------

туманлар:

Бектемир	1958	502	31
----------	------	-----	----

Мирзо Улугбек	9418	1602	376
---------------	------	------	-----

Миробод	7152	1142	98
---------	------	------	----

Олмазор	8730	1752	290
---------	------	------	-----

Сергели	4981	891	80
---------	------	-----	----

Учтепа	7645	1937	196
--------	------	------	-----

Чилонзор	10793	1878	170
----------	-------	------	-----

Шайхонтохур	8249	1382	92
-------------	------	------	----

Юнусобод	11266	1774	313
----------	-------	------	-----


Яккасарой	7445	1043	126
-----------	------	------	-----

Яшнобод	6435	1119	102
---------	------	------	-----

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 1350 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 347 тага кўпайган.

Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 222 та, Туркия Республикаси – 214 та, Россия Федерацияси – 199 та, Қозоғистон Республикаси – 167 та, Корея Республикаси – 93 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2019 йилда Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони
(январь-сентябрь ҳолатига)



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил
25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги
Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик
субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган
билдиришномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри
базаси юритилади.**

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотларни 2019 йил 1 октябрь ҳолатига кўра энг кўп савдода 1748 та (30,3 %), саноатда 1396 та (24,2 %) ҳамда бошқа фаолият турларида эса 1248 та (21,6 %) ташкил қилган. Энг камлари эса қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 66 та (1,1 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 80 та (1,4 %), ташиш ва сақлашда 176 та (3,0 %), ахборот ва алоқада 224 та (3,9 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 307 та (5,3 %) ва қурилишда 533 та (9,2 %) ташкил қилган. Шундан кўриниб турибдики, фаолият юритадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми савдо ва саноат фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолият турларига тўғри келади.


**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий
фаолият турлари бўйича улуши, фоизда**



Оилавий корхоналар сони

Тошкент шаҳри бўйича жами юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2019 йилнинг 1 октябры ҳолатига 2845 тани ташкил этиб, улардан 2721 таси ёки 95,6 % фаолият юритмоқда.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар бирликда



■ рўйхатдан ўтганлар ■ фаолият кўрсатаётган ■ янги ташкил этилган


Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 41,6 % ёки 1132 таси саноат, 18,9 % ёки 515 таси савдо, 17,9 % ёки 488 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 2,7 % ёки 74 таси қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,6 % ёки 43 таси ахборот ва алоқа, 1,5 % ёки 40 таси қурилиш, 1,0 % ёки 27 таси ташиш ва сақлаш, 0,9 % ёки 24 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 13,9 % ёки 378 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**




Кичик корхона ва микрофирмалар сони.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 71,2 мингтани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2018 йил 1 октябрь ҳолатига қараганда 18,5 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 9,3 мингтаси (13,1 %) Юнусобод, 9,0 мингтаси (12,8 %) Чилонзор, 7,9 мингтаси (11,1 %) Мирзо Улуғбек ҳамда 7,8 мингтаси (10,9 %) Олмазор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.



**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда**



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 71,2 мингта кичик корхона ва микрофирмаларнинг 19,5 мингтаси (27,3 %) – савдода, 14,6 мингтаси (20,6 %) – саноатда, 6,4 мингтаси (9,0 %) – қурилишда, 5,7 мингтаси (8,0 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 3,2 мингтаси (4,6 %) – ташиш ва сақлашда, 3,0 мингтаси (4,2 %) – ахборот ва алоқа соҳасида, 1,2 мингтаси (1,7 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 0,8 мингтаси (1,1 %) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, шунингдек 16,8 мингтаси (23,6 %) – бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги турларига тўғри келади.

2019 йил январ-сентябрь ойларида 14,4 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 38,5 % га кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Учтепа тумани (1902 та), Чилонзор тумани (1811 та), Юнусобод тумани (1701 та), Олмазор тумани (1699 та), Мирзо Улуғбек тумани (1525 та), Шайхонтоҳур тумани (1324 та) ва Миробод тумани (1089 та) ҳиссасига тўғри келади. Энг кам, Яшнобод тумани (1087 та), Яккасарой тумани (991 та), Сергели тумани (858 та) ҳамда Бектемир (498 та) туманларида ташкил этилган.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи савдода (6224 та), саноатда (2316 та), бошқа фаолият турлари соҳасида (2297 та), қурилишда (1364 та), яшаш ва овқатланиш хизматларида (941 та) ва ахборот ва алоқада (501 та) ташкил этилган. Энг кам эса ташиш ва сақлашда (492 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (194 та) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (156 та) ташкил этилган.

VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ


Жорий йилнинг январь–сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 27442,1 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 107,8 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 33,3 % га ўсиб, 7575,5 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 27,6 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 8582,7 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 31,3 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 11283,8 млрд. сўми якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 3,8 % га камайди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 41,1 % га тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланишни қўшган ҳолда) таркиби, фоизда (2019 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига)




2019 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 156,4 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,57 % ни ташкил қилди.


Нодавлат мулки 27285,6 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,4 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмда катта улушга эга бўлган Чилонзор тумани 17,1 %, Учтепа тумани 9,6 %, Шайхонтоҳур тумани 11,8 %, Бектемир тумани 8,1 % ва Юнусобод тумани 11,5 % ни ташкил этган бўлса, Олмазор тумани 6,5 %, Мирзо Улубек 5,9 % ва Яшнобод тумани 6,3 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Тошкент шаҳрида туманларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши, фоизда



**Тошкент шаҳрида туманларнинг жами чакана савдо
айланмасининг 2018 йил январь-сентябрга нисбатан, фоизда**




Тошкент шаҳрида чакана савдо барча туманларда ўсиш кузатилган, жумладан энг катта ўсиш суръати Олмазор тумани 123,8 фоиз, Яккасарой тумани 118,6 фоиз Шайхонтохур тумани 116,8 фоиз билан Тошкент шаҳрида етакчилик қилмоқда, ўсиш суръати нисбатан пастроқ кўрсаткичлар: Яшнобод тумани 100,3 фоиз, Учтепа тумани 100,2 фоиз Бектемир тумани 101,0 фоизларни ташкил этган.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 1380,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 110,2 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 5,0 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Сергели тумани 16,0 %, Юнусобод тумани 15,5 %, Шайхонтохур тумани 13,9 %, ташкил этган бўлса, Бектемир тумани 2,7 % ва Яшнобод тумани 5,0 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши, фоизда



Овқатланиш ташкилотларини кўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 10,8 млн. сўми ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Бектемир тумани (65,3 млн. сўм), Чилонзор тумани (19,1 млн. сўм), Миробод тумани (15,8 млн. сўм), Яккасарой тумани (15,8 млн. сўм) Сергели тумани (12,2 млн. сўм) кузатилди.

Чакана товар айланмаси умумий (овқатланишни қўшган ҳолда)
(2019 йил январь-сентябрь)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь- сентябрга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>2018 йил январь- сентябрга нисбатан, % ҳисобида</i>

Тошкент шаҳар	27442,1	107,8	10836,2	105,6
----------------------	----------------	--------------	----------------	--------------

туманлар:


Бектемир	2210,8	101,0	65370,1	99,6
Мирзо Улуғбек	1622,2	105,1	5959,2	103,8
Миробод	2180,1	105,8	15875,5	104,2
Олмазор	1793,6	123,8	4965,7	121,7
Сергели	2288,9	107,5	12293,6	102,7
Учтепа	2648,1	100,2	9846,1	98,2
Чилонзор	4686,0	106,0	19128,6	104,2
Шайхонтохур	3235,2	116,8	9554,4	114,7
Юнусобод	3166,9	107,4	9480,6	105,1
Яккасарой	1889,3	118,6	15862,3	117,5
Яшнобод	1721,0	100,3	7291,6	97,1

Жорий йилнинг январь–сентябрида улгуржи савдо товар айланмаси 28004,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 110,4 % ни ташкил қилди.


Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши 19,9 % га тенг бўлиб, ҳажми 5559,2 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Мирзо Улуғбек тумани 17,1 %, Яккасарой тумани 16,1 % ни ташкил этган бўлса, Бектемир тумани 1,3 %, Учтепа тумани 4,9 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Тошкент шаҳрида ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда



Тошкент шаҳрида улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 5,0 % га кўпайиб, 22445,1 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 80,1 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси
(январь- сентябрь)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
Тошкент шаҳри	28004,3	100,0
<i>Туманлар</i>		
Бектемир	415,3	1,5
Мирзо-Улугбек	3587,5	12,8
Миробод	3115,4	11,1
Олмазор	3538,7	12,6
Сергели	2151,2	7,7
Учтепа	1430,3	5,1
Чилонзор	3393,6	12,1
Шайхонтохур	2583,3	9,3
Юнусобод	2165,3	7,7
Яккасарой	3515,3	12,6
Яшнобод	2108,4	7,5

VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР


Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг январь–сентябрда 9731,4 млн. АҚШ долларни, жумладан экспорт – 2264,6 млн. АҚШ долларни, импорт 7466,9 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси минус 5202,3 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДХ давлатлари билан минус 1459,9 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан минус 3742,3 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Тошкент шаҳрининг ташқи савдо айланмаси (январь–сентябрь)


	<i>млн. АҚШ доллари</i>	<i>2018 йилнинг январь–сентябрга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
Ташқи савдо айланмаси	9731,5	134,3	100,0
МДХ давлатлари	3331,2	115,0	34,2
бошқа давлатлар	6400,3	147,2	65,8
Экспорт	2264,5	108,2	100
МДХ давлатлари	935,5	115,2	41,3
бошқа давлатлар	1329,0	103,7	58,7
Импорт	7466,8	144,9	100,0
МДХ давлатлари	2395,5	114,9	32,1
бошқа давлатлар	5071,3	165,3	67,9
Сальдо	-5202,2	-	-
МДХ давлатлари	-1459,9	-	-
бошқа давлатлар	-3742,3	-	-

**МДХ ва бошқа давлатларнинг Тошкент шаҳар
ташқи савдо айланмасидаги улуши, фоизда**
(январь-сентябрь)



